

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 131 (1192), 2024 йил 3 июль, чоршанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШХТ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси ва “ШХТ плюс” форматидаги учрашувда иштирок этиш учун 3-4 июль кунлари амалий ташриф билан Остона шаҳрида бўлади.

Саммит кун тартибидан ШХТ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш ва ташкилот фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари ўрин олган. Халқаро ва минтақавий ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари ҳам кўриб чиқилади.

Ингилиз якунида Остона декларацияси ҳамда иқтисодиёт, хавфсизлик, экология, энергетика, туризм ва бошқа кўплаб

йўналишларда шерикликни кенгайтириш бўйича ҳужжатлар қабул қилиниши режалаштирилган.

Ташриф доирасида Ўзбекистон етакчиси хорижий делегациялар раҳбарлари билан қатор икки томонлама учрашувлар ҳам ўтказилади.

ЎЗА

Халқаро саммит

ЎЗБЕКИСТОН – ШХТ: ХАЛҚЛАР ВА ДАВЛАТЛАР ТИНЧЛИГИ ҲАМДА ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ТАШАББУСЛАР

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 3-4 июль кунлари амалий ташриф билан Остона шаҳрида бўлади ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммитида иштирок этади.

ШХТ 2001 йилда тузилган минтақавий халқаро ташкилотдир. Ўзбекистон Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон билан бирга ташкилотнинг асосчиларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда ШХТга тўққиз давлат аъзо.

Бундан ташқари, уч давлат кузатувчи сифатида қўшилди, 14 давлат ташкилот

билан мулоқот бўйича ҳамкор мақомига эга. Бу ШХТнинг ўтган йиллар давомида нуфузи ва халқаро сиёсатдаги роли ҳозирги мураккаб геосиёсий шароитда мустақамлашиб бораётганидан далolat беради.

Бугунги кунда ШХТга аъзо давлатларнинг умумий майдони 34 миллион квадрат километри, яъни Евроосиё минтақа-

сининг 60 фоизини ташкил этади. Аъзо давлатлар аҳолиси 3 миллиардга яқин ёки ер юзи аҳолисининг қарийб 42 фоизига тенг. Шунингдек, ШХТ мамлакатлари иқтисодиёти жаҳон иқтисодиётининг 24 фоиздан ортгини қоплайди.

➤ Давоми 3-бетда

Халқ дипломатияси



ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ

жаҳон сиёсатининг муҳим субъектига айланмоқда

Ўтмишда давлатлар ўртасидаги фаолиятнинг муайян омилларига боғлиқ ҳолда турли тузилмалар ташкил этилган, ҳамкорлик йўлга қўйилган. Асрлар давомида улкан минтақа халқларини савдо-сотиқ, маданий-маънавий қадриятлар билан бирлаштириб турган, давлатлар ва этник гуруҳлар ўртасидаги муносабатларга асос солган Буюк йўли бунга ёрқин мисолдир.

Бугун дунёда рўй бераётган воқеалар халқларни бир-бирига яқинлаштириш ва бу тарихий жараёнларни тиклаш заруратини кун тартибига қўймоқда. Мамлакатлар ташқи сиёсатидаги рақамли ўзгаришлар трансформацияси даврида ҳар бир томоннинг манфаатига жавоб берадиган халқаро ҳам-

корликни кўп томонлама институтларсиз йўлга қўйиб бўлмайди. Ушбу институтлар минтақавий ва глобал миқёсда давлатлараро ҳамкорликнинг энг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилишда давом этмоқда. Халқаро ва минтақавий ташкилотлар давлатлар ўртасидаги турли келишимчиликларни баргараф

этиш, ўзаро англашувни мустақамлаш, сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, савдо-сотиқ кўламини кенгайтириш ҳамда маданий-гуманитар алмашинувни рағбатлантиришга ёрдам беради.

➤ Давоми 3-бетда

“ПАРИЖ – 2024”:

МАҚСАДЛАР УЛУҒЛИГИ ЁРҚИН ҒАЛАБАЛАРГА ПОЙДЕВОР БЎЛАДИ

Пойтахтимиздаги Олимпия ва паралимпия шон-шухрати музейида Франциянинг Париж шаҳрида июль-август ойларида бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон спорт делегациясини кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар инсон манфаатлари, халқимизнинг эзгу орзу-истаклари рўйибага хизмат қилаётгани таъкидланди. Айниқса, Президентимиз томонидан ёш авлодни жисмоний ва маънавий етук, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қаратилаётган доимий эътибор ўз самараларини бераётгани алоҳида эътироф этилди.

Дарҳақиқат, спортчиларимизнинг жаҳон ареналарида кўлга киритаётган ғалабалари, давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз баланд кўтарилаётгани қалбимизга фахр-ифтихор бағишлайди. Ҳеч бир соҳа мамлакатни спортчилик дунёга тез танита олмайди. Буни Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида юксак ғалабаларни кўлга киритаётган матонатли спортчиларимиз фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси А.Азизов, Ўзбекистон Республикаси спорт вазири А.Икромов, Миллий олимпия қўмитаси бош котиби О.Қосимов ва бошқа расмийлар иштирок этди.

Сўнги йилларда Янги Ўзбекистоннинг янги ғалабаларини таъминлашда спортнинг ўрни беқиссизлиги, юртимизда жисмоний тарбия ва спорт йилдан йилга ривожланиб янги босқичга кўтарилаётгани қайд этилди. Президентимиз томонидан жорий йилнинг 26 июль — 11 август кунлари Париж шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII

Паралимпия ўйинларида спортчиларнинг ҳар томонлама тайёрилиги ва муваффақиятли иштирокини таъминлаш учун барча шароит яратиб берилгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбари йигит-қизларимизни турнир давомида ҳам кўллаб-қувватлаб туришлари маълум қилинди.

Спортчилар номидан сўзга чиққан дзюдо бўйича жаҳон чемпиони Музаффарбек Тўрабоев, бокс бўйича аёллар ўртасида Ўзбекистоннинг биринчи жаҳон чемпиони Нигина Ўқтамова Олимпия ўйинларида юксак ғалабалар билан қайтишга ваъда берди. Бу ғалаба мустақилликимизнинг 33 йиллигига муносиб тўхфа бўлишини таъкидлашди.

Тадбирда “Париж — 2024” Олимпия ўйинлари ғолиби ва совриндорларига давлат томонидан бериладиган муқофот пуллари миқдори маълум қилинди. Жумладан, Олимпиада чемпионлари 200 минг, кумуш медаль соҳиблари 100 минг, бронза медаль совриндорлари 50 минг АҚШ доллари билан тақдирланади.

Айтиш лозимки, 2020 йилда ўтказилган Токио Олимпиадасида 67 нафар спортчимиз иштирок этган эди. Жорий йилги “Париж — 2024” ўйинларида 70 нафардан зиёд спортчи жамоаси биринчи марта иштирок этмоқда. Бундан ташқари, спортчиларимиз дзюдо, бокс, академик эшак-кашшоқ, баддий гимнастика, байдарка ва каноэда эшак эшиш, енгил атлетика, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, сузиш, таэквондо (WTF), ўқ отиш, эркин ва юнон-рум кураши каби спорт турлари бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади. Улар орасида нуфузли мусобақалар,

жаҳон чемпионатлари ғолиби ва совриндорлари бўлган тажрибали спортчилар билан бир қаторда илк маротаба иштирок этадиган ёш спортчилар ҳам кўпчиликини ташкил этади.

— Токиода ўтган Олимпия ўйинларида турли медални кўлга киритган эдим, — дейди дзюдо бўйича Осиё ва жаҳон чемпиони, Олимпия ўйинлари совриндори Давлат Бобонов. — Президентимиз мени “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвони билан тақдирлади. Бу йилги Олимпиадада, албатта, олтин медални кўлга киритаман. Халқимизнинг ишончини оқлаш учун бор куч-ғайратимни сарфлайман.

— Бу галги Олимпиадада иккинчи олтин медалимни кўлга киритиб, ёруғ юз билан қайтишни мақсад қилдим, — дейди бокс бўйича жаҳон ва қитъа чемпиони, Осиё ва Олимпия ўйинлари ғолиби Баҳодир Жалолов. — Давлатимиз томонидан бизга кўрсатилаётган улкан эътибор ва гамхўрликка жавобан Олимпия ўйинларида юксак натижаларга эришиш учун бор салоҳиятимизни ишга соламиз.

Тадбирда Ўзбекистон спорт делегациясининг “Париж — 2024” ёзги Олимпия ўйинларидаги расмий ва спорт либослари намойиш этилди.

Ўзбекистон спорт фахрийлари кенгаши раиси Баҳодир Махситов дуога кўл очиб, Парижда йўл олаётган делегациямиз вакилларига оқ йўл ва омад тилади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси, таниқли шоир Нодир Жонузқоқ спортчиларимизга мусобақаларда омад ёр бўлишини тилаб, янги шеърини ўқиб берди.

ОҚ ЙЎЛ

Чакмоқ каби чакнадингиз, тошдингиз-ку мисли сел, Марди майдон курашдир бу — тушаяспиз боғлаб бел, Дуо билан кузатмоқда сизни буғун катта эл, Зўрлар ичра энг зўр бўлиб, масрур, зוליб қайтингиз, Шода-шода медалларни юртга олиб қайтингиз. Чил берсам, дер ҳар элатнинг эпил-чаққон, қувлари, Қувват бўлғай сизга Ватан тафти, ҳаво, сувлари, Эй элминг шердай йиғити, кийикдай сулувлари, Шоҳсунага сакраб чиқиб, бахтдан ёниб қайтингиз, Шода-шода медалларни юртга олиб қайтингиз. Бошингизда ялов бўлсин Ўзбекистон байроғи, Мадҳиямиз мавжларига тўлсин Ернинг ҳар ёғи, Саодатдан мижжжангизга томчи ёш қалққан чоғи — Толе, иқбол шарбатига қониб-қониб қайтингиз, Шода-шода медалларни юртга олиб қайтингиз. Дилбандим, дер сизни суйиб олим, ишчи, чўпон ҳам, Тикилгайдир сизга атаб шойи, зарҳал чопон ҳам... Қойил, десин, олқилласин фаранг, олмон, япон ҳам, Рақибларнинг дилларига армон солиб қайтингиз, Шода-шода медалларни юртга олиб қайтингиз. Эй Сиз — Олимп чўққисига чилвор отган баҳодир, Суянқидир ортингизда ҳар қадрдон тоғ-ақир, Танангизда мард боболар тоза қони оқадир, Неки гирром, неки эзри бўлса — тониб қайтингиз, Шода-шода медалларни юртга олиб қайтингиз, Олтин, кумуш ҳарфлар ила ёзилгайдир бул сана — Сиз туйфайли ҳар бир уйда бўлса тую тантана. Юртбошининг ишончини, меҳрини оқлаб яна, Қувонтириб бутун халқни, ҳам қувониб қайтингиз, Шода-шода медалларни юртга олиб қайтингиз!

ЎЗА



Сайхунобод тажрибаси

МАҲАЛЛАГА ФАЙЗ, РЎЗБОРГА БАРАКА КИРИТИБ

бўш қўймасдан бодринг экдим. Бодринг тез ҳосилга қиради. Помидор етилгунча бодрингни йиғиб оламиз, — дейди Ибрайим ота. — Мевали дарахтлар помидорга соябон вазифасини бажаради. Президентимиз Сирдарё вилоятига таширифи чоғида Сайхунобод туманидаги Иттифоқ маҳалласида бўлиб, томорқа ва уй хўжаликларидан бошланган янги тажрибани бутун мамлакат бўйлаб қўллашни таъкидлаган эди. Ушбу тажриба Хўжайли тумани маҳаллаларида қўлланаётганини Ибрайим Еримбетов хонадонни мисолида кўриш мумкин. — Томорқамда 100 тупга яқин мевали дарахт бор. Шундан 50 тупи анжир ва шафтоли. Бу меваларнинг бозори чаққон. Шунингдек,

олма, гилос, ўрик ва нокнинг ҳам энг сара навларини ўтказганмиз, — дейди Ибрайим ота. — Сайхунобод тажрибаси”ни томорқамизда синаб кўрялгимиз. Бунинг фойдали томони жуда кўп экан. Қўшилларимга ҳам тавсия қилганмиз. Оқсоқолнинг хонадон 10 йилдан буён асаларчилик билан ҳам шуғулланиб келади. Бугун 20 қўти асаларидан 200 килогача тоза асал олмақда. Ибрайим отанинг айтишича, эрта баҳорда асалари туронғил, гужум, жийда дарахтлари гулидан бол йиғида. Шундан сўнг мевали дарахтлар, кунгабоқар гулини чанглантириб, асал тўплайди. Ибрайим отанинг томорқасини томоша қилиб, бир дунё таассурот билан чиқдик. “Сайхунобод тажрибаси” ердан янада самарали фойдаланиш, деҳқонлар учун бозор



топишга, экспортга кўмаклашиш, тадбиркорларни сифатли уруғ ва дори билан таъминлаш, ер муносабатларини шакллантириш каби муҳим ислохотларни ўз ичига олган. Бу эса хонадон эгаларининг томорқасидаги ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланишига ёрдам беради. Кейинги манзилимиз Хўжайли туманидаги “Саманкул” овул фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган Асқар Яхшимуратов хонадон бўлди. Суёғли канали бўйлабда жойлашган хонадоннинг томорқаси жуда файзли. Чиройли гуллар атрофга ифтор таратиб, 35 сотих томорқада 100 дан ортиқ мевали дарахт барқ уриб турибди. — Ўзим автомобиль таъмирлаш устaxonаси очиб, аҳолига хизмат кўрсатаман. Ишдан бўш вақтимда томорқада меҳнат қиламан, — дейди хонадон эгаси. — Ҳаммаси меҳнатга боғлиқ. “Қимирлаган қир ошар”, дейишади. Мана, мевамиз ҳам бирин-кетин пилиш етилмоқда. Яқинда бақдан 15 миллион сўм кредит олиб, иссиқхона қурдик. Иссиқхонада эрта баҳорда бодринг етиштирдик. Қўриб турганингиздек, канал ёқасида яшаймиз. Сувдан муаммо йўқ. Шу сабабли балиқ боқиш билан шуғулланишни ҳам режалаштирялганмиз.

“Халқимиз ўз ҳаётида сезиши учун ҳам-ма ишни маҳаллада ташкил қилаймиз. Энди давлат идораларининг бутун имкониятларини ҳар бир қўчага, хонадонга олиб қирамиз. Маҳаллага бириктирилган банк маблағ бериш билан бирга одамларнинг дунёқараши-ни ҳам ўзгартиради. Мақсадимиз халқнинг даромадини ошириш, бой қилиш. Албатта, осон бўлмайди. Бу машаққатли меҳнат, тинимсиз изланиш, янги-янги гоғлар дегани. Лекин бажарса бўлади”, дея таъкидлаган эди Президентимиз.

Маҳалладаги хонадонларни айланиб юрганимизда ушбу ҳудудга бириктирилган банк ходими Дониёр Йўлдошевни учратдик. — Тижорат банкимиз томонидан Хўжайли туманидаги “Саманкул” овул фуқаролар йиғинидаги 21 та хонадонга кредитлар ажратилди, — дейди у. — Биз ҳар бир хонадон эгаси билан суҳбатлашиб, фаолият турига қараб кредит олишга кўмак бераймиз. Ушбу ҳудудда, асосан, иссиқхона қуриш ва чорвачиликка кредит ажратилмоқда.

Ҳар бир маҳаллага бириктирилган банклар ва ҳоким ёрдамчилари томонидан Хўжайли туманидаги жами танлаб олинган 196 оиланинг томорқадан олиннадиган даромадини 50-60 миллион сўмга чиқариш бўйича амалий ишлар қилинмоқда. Халқимизда “Ер ҳазина, тупроқ олтин” деган доно гап бор. Унга бор меҳрингизни берсангиз, эъзозлансангиз, сиздан саховатини аямайди, риққ-насиббангиз мўл бўлади. Хўжайли туманида ҳам томорқасини обод қилиб, маҳалласига файз, рўзборига барака киритаётган оилалар талайгина.

Жорий йил мартда ҳар бир маҳалладан 7 тадан — жами 196 намунали оила танлаб олинган. Уларда 342 ишсиз фуқаро борлиги аниқланган. Шундан 216 нафарига кредит ажратиш, 26 оилага субсидия бериш орқали даромадини ошириш режа қилинган. 216 фуқарога 3 миллиард 20 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилиб, натижада 242 фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Бугун юртимизнинг қай манзилида бўл-манг, ана шундай қизгин иш жараёни устидан чиқасиз. Эътиборли жиҳати, қилинаётган ишлар орқали аҳолининг турмуш фаровонлиги, дастурхонининг тўқин-сочинлиги таъминланмоқда. Гапнинг сирасини айтганда, меҳнатнинг роҳатини кўриб ўрганган хўжайлиликлар ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланмоқда.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Ибрайим Еримбетов 76 ёшда бўлишига қарамай, ҳали тетик. Томорқасидан чиқмайди. Хўжайли туманидаги Тутзор маҳалласида Ибрайим отани кўпчилик яхши танийди. Ота кирк йилдан ортиқ қишлоқ хўжалигида фаолият юритган.

— Ҳовлимиз билан қўшиб ҳисоблаганда томорқамиз 18 сотих. Йил-ўн икки ой томорқада меҳнат қиламиз. Шунга яраша даромадимиз ҳам чакки эмас, — дейди Ибрайим ота. — Мана янги картошканиз ҳосил бермоқда. Бозордан картошка сотиб олаймиз. Ер тилини билсангиз, бир сотихдан ҳам мўл ҳосил олса бўлади. Картошка йиғиб олингандан сўнг ўрнига бодринг экмоқчимиз. Ерни бўш қўймаймиз.

Шу пайт Ибрайим ота сўзга аралашди: — Айтганча, бу неварам менга яқин кўмақдosh. Болаларим билан невараларимни меҳнатга ўргатиб келялганмиз. Меҳнат қилиб еган нони баракали бўлади. Ибрайим ота ҳар бир помидор кўчати 7-8 кило ҳосил беришини айтиб, бунинг сирини ўртоқлашди: — Помидор кўчатларини биоғумустга ўтказдим. Бу ҳосилнинг мўл бўлишини қафолатлайди. Ўғитни ҳам ўзимиз тайёрлаймиз. Қўрамизда қорамолимиз бор. Калифорния чувалчанги ёрдамида унинг гўнгини биоғумустга айлантираемиз.

Қизиқшимиз борган сари ортди. Помидорлар орасида бодринг етиштирилмоқда. Ҳар хил мевали дарахтлар уларга соябон бўлиб турибди. — Помидор кўчатларини ўтказган пайтда орасида ярим метр жой қолади. Шунингдек,



Ҳақиқатан, Ибрайим отанинг томорқасида бўш турган жойнинг ўзи йўқ. Картошка ёнида экилган помидорга кўзимиз тушди. — Ушбу кўчатларни ўзимизнинг иссиқхонада етиштирганмиз. Томорқадан ортган кўчатларни эса қўшилларга сотиб, ундан ҳам даромад олдик, — дейди Ибрайим отанинг невараси Бекзод. — Ерга қизиқман. Бобомдан деҳқончиликни ўргандим.

Томорқачилик 30 сотих ердан 500 миллион сўм даромад

Ёз фаслида полиз маҳсулотларига талаб ортади. Айниқса, қовун-тарвузнинг бозори ҳам анча чаққон бўлади. Сариосиё туманининг Гулобод маҳалласида яшовчи Бахтовар Ҳидоев бир гектар майдонда иссиқхона ташкил этиб, 70 сотихида эртапишар тарвуз, қолган 30 сотихида қулпуннай етиштиришни мақсад қилганида кўпчилик ишонқирамади. Шунча пулни бошқа ишга сарфласанг, яхшигина фойда оласан, деганлар ҳам бўлди. Деҳқончиликнинг ҳадисини олган миришкор ортага кайтмади. Меҳнатдан қочмади. Иссиқхонадан бери келмади. Шу кунларда одамлар орасида “Гулободлик Бахтовар қулпуннай экилган 30 сотих ердан 500 миллион сўм даромад топибди. Тарвузнинг ҳам ҳосили ва даромади чўғи баланд, 200 миллион сўмни чамалаяпти” деган гап оралади.

Деҳқоннинг самарали меҳнати натижасини кўриш учун маҳалла-кўй, масъуллар, оммавий ахборот воситалари ходимлари миришкорнинг хонадонига серқатнов бўлиб қолди. Асосийси, унинг тажрибасини ўрганишга ошққанлар ҳам талайгина.

Маҳалла аҳлига яхши таниш қовун Бахтовар бир неча йилдан буён иссиқхонасида помидор, тарвуз, бодринг, лимон етиштиряпти. 2023 йил ноябрда 30 сотих ерга қулпуннай эккан деҳқон бугун ҳар туп кўчатдан 14-15 дона ҳосил олмақда. Бир дона қулпуннай меваси вази эса 60-70 грамм чиқаяпти.

— Ун икки мингга яқин қулпуннай кўчати экканмиз. Ҳосилдорлиги ҳозирга қадар 10 тоннадан ошди. Ҳар бир килосини ўртача 50-60 минг сўмдан сотдик. Қулпуннайнинг маҳаллий тилда “Корей” деб номланган навини эккандик. Бу навининг алоҳида хусусияти шундаки, хуштаъм ва йирик, узок масофага ташилганда ҳам сифатини йўқотмайди, —



дейди Бахтовар Ҳидоев. — Қулпуннайнинг бу тури ёзда оилада ҳам тўлиқ ҳосил беради. Чунки ёзда ўсимлик ҳаракатсиз жараёнга ўтади. Биласиз, қиш ойларида бу мевани бозорларимизда топиш қийин. Шу туфайли пишиқчилик мавсумига нисбатан анча юқори нархда — 100-150 минг сўм атрофида сотилади. Ҳозир айнаи ҳосил йиғиш пайти. Бундан ташқари, кўчат етиштириб сотишни ҳам йўлга қўйдик.

Деҳқоннинг меҳнати, орттирган тажрибаси аста-секин самара бера бошлади. Бугун қулпуннайлари ҳосилга кириб, аҳоли дастурхонига кўрк берапти. Миришкорнинг иссиқхонасида етиштирилаётган тарвуз кўчатларининг ҳар тупидан 4-5 донагача ҳосил олинмоқда. Иссиқхонанинг 70 сотихини қамраган майдонда тарвузнинг тажрибадан ўтган, серҳосил навлари экилган.

— Ҳар бир тупда 3-5 донагача ҳосил бор. Ҳар бирининг оғирлиги 5 кило атрофида, — дейди Бахтовар Ҳидоев. — Қилинган харажати чиқариб ташлаганда 200 миллион сўм атрофида даромад чамалаймиз.

Миришкорнинг айтишича, Ўзбекистонда тарвузнинг 47 нави мавжуд. Бир қараганда, полиз маҳсулотларини етиштириш унчалик қийин жараён эмасдек туюлади. Лекин ҳосил олиш учун полиздан бери келмай қоласиз. Тарвуз қурғоқчиликка жуда чидамли бўлишига қарамай, мамлакатимиз шаронтида уни сугориб, парваришлас керак.

— Сугорининг ҳам ўз усули бор, — дейди деҳқон. — Бироқ ҳаддан ташқари сернам тупроқ ҳам тарвузга салбий таъсир кўрсатади. Сернам тупроқда мевадаги глюкоза миқдори камаяди, пўсти қалинлашади, ҳар хил замбуруғли касалликларга чалинади.

Бахтовар Ҳидоев бугун нафақат оиласига даромад келтириб, турмуши фаровонлигига эришяпти, балки маҳалласидаги ишчилар

бандлигини таъминлаб, рўзборига барака киритишига ҳисса қўшмоқда.

Паррандачилик даромадли, шу билан бирга, анча нозик соҳа бўлиб, бугун юртимиз аграр секторидаги асосий йўналишлардан бирига айланиб улгурди. Олтинсой тумани Наврўз маҳалласида яшовчи Пардахол Тўрахонова қарийб 15 йилдан бери жўжа етиштириб келаётди. Ўтган йили у бақдан 100 миллион сўм кредит олиб, фаолиятини кенгайттирди. Айни пайтда хонадонда 15 мингдан ортиқ жўжа ва 4,5 мингдан зиёд бедана парваришлаб келмоқда.

— Беш келиним бор. Аввалгидек келинлар кун бўйи бола парвариши билан банд эмас. Шукрики, энг чекка жойларда ҳам боғчалар очилиб, ишлаб ётибди. Келинларга иш топиш бир оз мураккаб бўлди, — дейди Пардахол Тўрахонова. — Паррандачиликни йўлга қўйиб, беш келинга ишни тақсимлаб бердим. Асосан, жўжа боқиш билан шуғулланамиз. Инкубатор олдик. Ҳозир елкага тўрван осиб, мен чет элга ишга кетдим, деб мардикорликка жўнаб юборадиган замон эмас. У пайтлар ортда қолди. Энди ишлаган шу ернинг ўзида ҳам фаровон яшаяпти, ишламаган эса дунёни кезиб келса ҳам қорни оч.

Оилавий корхонага 490 миллион сўм ажратилиб, паррандалар учун омихта ем ишлаб чиқарувчи тегирум ҳам қуриб берилди. Бу соҳада тажрибаси етарли бўлган қаҳрамонимиз инкубаторда очилган жўжаларнинг ҳар бирини 8-9 минг, беданаларни эса 5 минг сўмдан етказиб бермоқда.

— Бир мавсумимиз уч-тўрт ой давом этади. Шу вақтда камидя 60 миллион сўмдан ортиқ даромад оламиз. Беданачиликини ўтган йилдан бошладик. Аввалга чўчилик, аммо эгланган элақда сув келтираркан. Буни ҳам уқдаладик, — дейди онахон.

Имконият, ҳаракат ва натижа бирлашуви туфайли бугун маҳаллаларда иссиқхоначилик, паррандачилик йўналишида ўзига хос тажриба мактаби яратилмоқда. Бу эса аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжини таъминлаб, бозордаги нарх барқарорлигига хизмат қилади. Пешона тери ортидан яхшигина даромад олаётган томорқа эгалари ҳам давлатимиз бераётган имконият ва имтиёزلардан самарали фойдаланяпти. Шунинг самараси туфайли бугун мамлакатимиз 80 дан зиёд давлатга 180 турдан ортиқ мева-сабзавот экспорт қиломоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини етиштирувчи, ишлаб чиқарувчи ва уларни экспорт қилувчи тадбиркорлар билан ўтказилган мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори айни йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим омил бўлаётди.

Сарвар ТўРАЕВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Янгича ёндашувлар



ВАЗИЯТЛАР МАРКАЗИ

муаммони аниқлайди, таҳлил қилади ва ечим топади

Бугун қишлоқ хўжалиги мутахассиси бирор экин ёки дала ҳақида маълумот олиш учун ўша жойга бориши шарт эмас. Ёки кластер вакили техникаси қаерда ишлаётганини аниқлаш учун ортиқча вақт ва маблағ сарфлаб ўтирмайди. Иш столидаги компьютердан барча зарур маълумотларни олаверади. “Агросубсидия”, “Агроплатформа”, Геоахборот тизими, “Е-ijara”, “СторАгро”, “АГРОБИ” каби ўндан ортиқ ахборот тизими шундай қулайликларни яратиб беради.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Вазиятлар маркази эса ана шу тизимларни бириктирган ҳолда соҳадаги муаммоларни аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда самарали ечимлар топиш учун ташкил этилган муҳим тизим бўлди. Чунки қишлоқ хўжалиги соҳасидаги барча маълумотлар айнан шу ерда жамланади. Таҳлил қилиниб, турли вазиятлар бўйича маълумотлар базаси шакллантирилади. Булар, ўз навбатида, келгусида соҳани ривожлантиришда режалар ишлаб чиқиш ҳамда аниқ қарорлар қабул қилишда қўл келади. Масалан, республикамизда қайси тур экинлар кўп экилмоқда ёки қайси маҳсулот турларни етиштирмайди? Озиқ-овқат хавфсизлиги нуқтаи назаридан аҳолига етарли бўлиши учун қандай маҳсулотларни хориждан импорт қилиш зарурати юзага келиши мумкин, деган саволларга жавоб олинади. Эҳтимолий муаммолар барвақт аниқланиб, уларга ўз вақтида чора кўриш имконияти яратилади.

Биргина “Агросубсидия” ахборот тизими орқали маҳсулот етиштирувчилар 45 турдаги субсидия олиш учун ариза бериши ва унинг ҳолатини шаффоф кузатиб бориши мумкин. Шунингдек, “Тизим дафтар” бўйича ажратилган ерлар тўғрисида маълумотларни республика кесимида географик картада акс эттирилган шаклда кўриш имконияти ҳам мавжуд.

Фозил ТЕШАЕВ, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бўлим бошлиғи



Халқ дипломатияси

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ

жаҳон сиёсатининг муҳим субъектига айланмоқда



Кобилжон СОБИРОВ, Ўзбекистонда ШХТ Халқ дипломатияси маркази директори

Бошланиши 1-бетда

Кўп томонлама фаолиятга асосланган энг ёш институтлардан бири — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти айнан мана шундай мақсад ва вазифаларни кўзда тутди. Бу ташкилот маданий-тамаддуний қарашлари турлича, ўз таъқи сиёсат йўналиши ва миллий тараққиёт моделларига эга мамлакатларни бирлаштира олган ўзига хос давлатлараро тузилмадир.

Бугун ақсарият ҳолларда ёшлар терроризм ва экстремизм қурбонига айланмоқда. Шу боис, Президентимиз ШХТнинг 2017 йил июнда Остонада бўлиб ўтган саммитида ёшларнинг турли террористик ва радикал тузилмалар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш, уларни барқамол шахслар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиш борасида муайян чора-тадбирлар кўриши зарурлигини таъкидлади.

ШХТга аъзо давлатлар ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Бироқ бундай ўсиш суръати кўп томонлама ҳамкорликда кузатилаётган. Бу эса транспорт ва логистика имкониятларини

бирлаштиришга номуносиб интилишларда яққол акс этмоқда. Шу боис, давлатимиз раҳбари ШХТга аъзо давлатлар темир йўл идоралари раҳбарлари билан мунтазам учрашувлар ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Тошкентда ушбу форматдаги биринчи учрашув бўлиб ўтди.

Умуман, охириги йилларда ШХТ аста-секин ҳақиқий нуфузли халқаро ташкилотга айланиб бормоқда. Мазкур ташкилотнинг нуфузи тобора ошиб бораётгани ШХТнинг асосий принциплари давлатлар суверенитетига ўзаро ҳурмат, уларнинг географик ёки иқтисодий имкониятидан қатъи назар, ўзаро тенглиги, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотларга нисбатан очкилиги ва қарши йўналтирилмагани билан боғлиқ.

ШХТ доирасидаги муносабатлар шу қунгача, асосан, хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорлик йўналишларида ривожланган. Бундан бундан ўзаро алоқаларни таълим, маданият, туризм, биродар шаҳарлар институти сингари йўналишлар билан тўлдириш зарурати юзага келди. Чунки ШХТ буларсиз кенг қўламли характерга эга бўлмаслиги аён бўлиб қолди.

Дунёдаги глобал хатар ва таҳдидларни яхши кўшичилик, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олиш борасида шаклланган аъноларимизни асраш ва бойитиш орқалигина ениб ўтиш мумкин. Бугун умумий бойлигимиз бўлган қадриятлар — биргаликда тараққиёт сари интилиш, маданиятлар хилма-хиллигига ҳурмат, кўп томонлама ҳамкорликнинг ноёб тажрибасини ўзида мужассам этган “Шанхай руҳи”ни мустаҳкамлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти — инсоният тараққиётининг тарихий босқичида шаклланган тузилма. Албатта, улкан имкониятга эга бу ташкилот Евроосиё қитъасида муносабатларнинг янги турини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Унга аъзо давлатлар жойлашган минтақа азалдан жаҳоннинг турли цивилизациялари қорраҳаси бўлиб келган. Ҳар бири бой тарихий маданий меросга, кўп асрлик аъноларига эга.

Замонавий тарздаги ҳамкорлик эса ушбу қадриятларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда. Буюк ипак йўлининг серқирра алоқаларни тиклаш ва мустаҳкамлашга хизмат қила бошлашида айнан ШХТ муҳим омил бўлганини қайд этиш мумкин.

Кейинги пайтларда халқаро муносабатларда кенг қўлланаётган халқ дипломатияси воситаларидан фойдаланиш ШХТнинг, таъбир жоиз бўлса, “генетик кодига” киритилган.

Халқ дипломатияси — маданият ва аъноларни яхшироқ тушуниш, манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга интилаётган халқлар ва ташкилотларнинг беғараз мулоқот майдони. Бунда сиёсий шахслар эмас, балки ижодкорлар, илм-фан намояндлари, ишбилармонлар, ёшлар, хуллас, оддий халқ вакиллари иштирок этади. Улар халқаро муқаддас турли форумлар, симпозиумлар, анжуманлар, ҳатто низоларни ҳал этиш бўйича музокара-ларда ҳам давлат номидан воситачи сифатида қатнашиши мумкин.

Дунёда глобаллашув ва интеграция жараёни кенгайиб бораётган бир вақтда халқ



дипломатияси халқаро муносабатларнинг асосий омилларидан бирига айланмоқда. Ўзбекистон учун халқ дипломатияси чуқур тарихий ва ижтимоий-маданий, сиёсий асосларга эга. Миллатлараро, маданиятлараро, конфессиялараро ва тиллараро бағрикенглик ўзбек этносига хос фазилатлардан. Ўзбек халқи ҳамда тарихан Буюк ипак йўли қорраҳасидаги турли маданият, тил ва диний қарашларга эга халқлар ўртасида ўзаро тамаддуний мулоқот шаклланган.

Халқ дипломатияси тарихнинг барча даврида тўхтовсиз ривожланган ва бу факт унинг ижтимоий тараққиёт ва жаҳон сиёсатидаги аҳамияти янада орттишини аниқлатади. Унинг Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги аҳамияти қатор жиҳатларда намоён бўлади.

Биринчидан, Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи ошиши ва имижига янада яхшиланishi-га хизмат қилади.

Иккинчидан, мамлакатимизда халқ дипломатияси илмий тадқиқот объекти сифатида ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Шу пайтгача қилинган тадқиқотларда асосан, халқ дипломатиясининг бир тармоғи бўлган маданий ҳамкорлик алоқаларига кўп урғу берилган.

Учинчидан, Ўзбекистон илгари сурган халқ дипломатияси тамойиллари Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга ҳисса қўшади.

Тўртинчидан, мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ривожланишига олиб келади.

Бешинчидан, мамлакатдаги ННТларнинг роли ва аҳамияти, жамоатчиликнинг фикрини мустаҳкамлашга эришилади.

ШХТнинг Остона САММИТИ ЖАҲОНДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ САРҲИСОБ, ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ, МУАММО ВА ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ЯНГИ ЙЎЛЛАРИНИ ИЗЛАШ, БОСИБ ЎТИЛГАН ДАВР ТАЖРИБАСИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРГА КЕРАКЛИ ТУЗАТИШЛАР КИРИТИШ УЧУН МУҲИМ МУЛОҚОТ МАЙДОНИДИР.

Бугун мамлакатлар ва халқларга тўғридан тўғри мулоқот зарур. Бунинг учун эса қўлай, хавфсиз майдон — мулоқот платформаси кераклигини аниқлаган Ўзбекистон раҳбарияти ШХТ ва дунё халқларини янги майдонга чақирмоқда.

Айни шу мақсадда Президентимиз ШХТнинг 2017 йилдаги саммитида аъзо давлатлар мунтазам фаолият йўтуви халқ дипломатияси институтларини ташкил этиш тақдирини киритди. Тошкентда ШХТ Халқ дипломатияси маркази ташкил этилгани Ўзбекистон илгари сурган ташаббуслар самарасидир.

Халқ дипломатияси марказини яратиш гоёси, халқаро вазиятдаги беқарорлик ва ноанхиллик омиллари ҳамда турли хатарлар кўпайиши фонида ўта долзарб. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистондаги ШХТ Халқ дипломатияси маркази фаолияти ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг хилма-хил имкониятларини очиб, ўзаро ишонч, дўстлик ва яхши кўшичилик, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти

институтлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади.

Марказ бугун илм-фан, таълим, маданият ва спорт, туризм, бизнес каби соҳаларда кўплаб амалий ишларни бажармоқда. Ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқариш ва сифатли таълим олиш имкониятини кенгайтириш учун қўлай шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Охириги йилларда марказ Президентимизнинг ШХТнинг Самарқанд ва Дехли саммитларида илгари сурган ташаббусларини, “ШХТга аъзо давлатларнинг 2023-2027 йилларда узоқ муддатли яхши кўшичилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани амалга ошириш комплекс режаси”нинг маданий-гуманитар соҳалардаги тадбирлар ижросини таъминлаш, “Самарқанд бирдамлик ташаббуси”ни омаллаштириш, ШХТ мақомида 2024 йилни “Экология йили” деб эълон қилиш бўйича Ҳаракатлар дастурини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шунингдек, Ўзбекистоннинг илмий ва маданий-матрифей муассасалари билан ШХТ мамлакатларидаги турдош тузилмалар ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш, ташкилотга аъзо давлатлардаги фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат тузилмалар ва жамоат ташкилотлари билан ёшлар сиёсати, таълим, илм-фан, туризм, спорт ва экология каби соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиш, халқ дипломатияси воситаларидан фойдаланган ҳолда ШХТ мамлакатлари ўртасида ўзаро ишонч ва яхши кўшичилик муносабатларини, миллатлараро ва динлараро тотувликни мустаҳкамлаш, цивилизациялараро мулоқотни кучайтириш, ахборот соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳам марказ фаолиятининг асосий йўналишларидан.

Яқинда БМТ Бош Ассамблеяси Хитой ва Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган “Халқаро цивилизациялар ўртасидаги мулоқот кўни” резолюциясини бир овоздан маъқуллади. Эътиборли жиҳати, марказ фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳам айнан турли маданиятлар, динлар ва цивилизациялар ўртасида мулоқотни кучайтириш қаратилган.

Марказ томонидан ҳамкорлар билан бирга 11 июнь — 20 июль кунлари Осиё ва Европа халқлари маданияти фестивали доирасида миллатлараро ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатлар ва халқларнинг ўзаро дўстлиги, ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашга қаратилган Тинчлик ва ҳамжиҳатлик қаровони тадбири ўтказилмоқда.

ШХТнинг 2022 йил Самарқанд саммитида давлатимиз раҳбари илгари сурган “Умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўли”даги Самарқанд бирдамлиги ташаббуси” мазмун-моҳияти билан ҳамроҳанг мазкур тадбир халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, давлатлар ўртасидаги ишонч мустаҳкамлаш, турли ижтимоий гуруҳлар, маданият ва цивилизациялар ўртасида ўзаро тушунишни чуқурлаштиришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Умуман, Ўзбекистоннинг халқ дипломатияси имкониятлари кенг ва уларни амалга ошириш минтақа ҳамда глобал доирада тинчлик ва барқарорликка хизмат қилади.

ШХТнинг Остона саммити жаҳондаги ўзгаришларни сарҳисоб, фаолият натижаларини таҳлил қилиш, муаммо ва қийинчиликларни бартараф этишнинг янги йўллари излаш, босиб ўтилган давр тажрибасидан келиб чиқиб, мақсад ва вазифаларга керакли тузатишлар киритиш учун муҳим мулоқот майдони.

Халқаро саммит

ЎЗБЕКИСТОН — ШХТ: ХАЛҚЛАР ВА ДАВЛАТЛАР ТИНЧЛИГИ ҲАМДА ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ТАШАББУСЛАР

Бошланиши 1-бетда

Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч, дўстлик, яхши кўшичилик муносабатларини мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш, янги демократик, адолатли ва оқилона сиёсий-иқтисодий халқаро тартиб ўрнатишга кўмаклашиш, терроризм, сепаратизм, экстремизмга, ғиёвандлик воситалари, қурол-ярғоқ савдоси, трансмиллий жиноятларнинг бошқа турларига биргаликда қарши оқилона курашиш ШХТнинг асосий мақсад ва вазифалари ҳисобланади. Аъзо давлатлар халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларини келиб чиқиб, турли соҳаларда самарали минтақавий ҳамкорликни ривожлантирмоқда.

ШХТнинг асосий органи Давлат раҳбарлари кенгаши бўлиб, у ташкилотнинг кўп қиррали ҳамкорлиги ва фаолиятини ривожлантириш стратегияси, истиқболлари ҳамда устувор йўналишларини кўриб чиқади, белгилайди. Кенгаш ШХТ мақсад ва вазифаларини амалга оширишга

қаратилган фундаментал хусусиятдаги қарорлар қабул қилади, энг долзарб глобал муаммолар, бошқа халқаро ташкилотлар ва давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик масалаларига ечим топади, ташкилот таркибини кенгайтириш тўғрисидаги қарорларни чиқаради.

Бундан ташқари, ШХТ ва ташкилот доимий органларининг тузилиши ҳамда фаолияти ички сиёсатининг асосий масалаларини белгилайди.

Тузилманинг бошқа муҳим органлари — булар Ҳукумат раҳбарлари кенгаши (Бош вазирлар), Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, вазирлик ва идоралар раҳбарларининг мажлиси, Миллий координаторлар кенгаши (МКК), Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШХТ МАТТ), Котибият, Ишбилармонлар кенгаши ва Банклараро бирлашмаси кенгашидир.

Котибиятга ШХТ Бош ижрочи директори бўлган Бош котиб бошчилик қилади ва у аъзо давлатлар фуқаролари орасидан 3 йил муддатга ротация асосида Давлат раҳбарлари кенгаши томонидан тайинланади. 2022 йил 1 январдан бунён ШХТ Бош

котиби вазифасини Хитой Халқ Республикаси вакили Чжан Мин вазифасида келмоқда. Бундан аввал ушбу лавозимда Ўзбекистон вакили фаолият юритган.

Шунингдек, ШХТ Форуми — норасмий мулоқот механизми, мустақил тузилмаси мавжуд, у ташкилотга аъзо ҳар бир давлатдан биттадан илмий муассасани ўз ичига олади, миллий тадқиқот маркази мақомига эга.

Шу йил 5 июнь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон раислигида Ўзбекистон Президенти ҳузуридида Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти томонидан ташкил этилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти форумининг XIX йилгилиши ўтказилди.

Бугунги кунда ШХТ ўзини тўлақонли ва нуфузли халқаро ташкилот сифатида тўлиқ намоеён қилмоқда. ШХТ платформаси унга аъзо йирик давлатлар — Хитой, Россия ва Ҳиндистон билан тенг ҳуқуқли сиёсий мулоқот ва халқаро ҳамда минтақавий сиёсатнинг кенг қўламли масалалари бўйича фикр алмашишни қўллаб-қувватлайди.



Ўзбекистон ШХТ фаолиятида фаол иштирок этиб, ташкилотга тўрт марта — 2003-2004, 2009-2010, 2015-2016 ва 2021-2022 йилларда раислик қилган.

Ўзбекистон ташаббуси билан 2004 йилда Тошкентда ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ташкил этилди, Хавфсизлик кенгаши котиблари йилгилишлари

формати жорий этилди, ташкилотда кузатувчи мақоми бериш механизми ишга туширилди.

Тошкентда ШХТ Халқ дипломатияси маркази ҳам муваффақиятли фаолият юритиб, ШХТ оиласи доирасида маданиятлараро ва гуманитар мулоқотни мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётир.

2017 йилдан республикамиз ШХТ доирасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ташаббусқорига айланди. Ўзбекистон Президенти томонидан ўтган йиллар мобайнида ШХТ саммитларида сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-логистика, инновация ва бошқа соҳалар бўйича ҳамкорлик самардорлигини оширишга доир

лар раҳбарлари иштирок этган йилгилиши, экспертларнинг фикрича, ташкилот учун тарихий бўлди. Саммит якунлари бўйича ШХТ доирасидаги ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги амалий мазмун билан тўлдиришга ёрдам берадиган рекорд миқдордаги ҳужжатлар қабул қилинди.

Бундан ташқари, Самарқанд саммитида ШХТни кенгайтириш бўйича муҳим келишувларга эришилди. Жумладан, Эроннинг ШХТга аъзо давлат мақоми олиш учун мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум имзоланди. Миср, Қатар ва Саудия Арабистонига ШХТнинг мулоқот бўйича ҳамкорли мақоми олиш тўғрисидаги аризалари қўллаб-қувватланди. Саммит доирасида ШХТ ва Араб давлатлари лигаси, БМТнинг ЮНЕСКО ва ЭСКАТО ташкилотлари ўртасида ўзаро аниқлаш меморандумлари имзоланди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммитида Ўзбекистон Президенти сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-логистика, инновациялар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик самардорлигини оширишга қаратилган 16 ташаббуси илгари сурди.

Давлатимиз раҳбари томонидан Остона шаҳрида бўлиб ўтadigan саммитда илгари суриладиган янги ташаббуслар аввал эришилган келишувларни амалга оширишга қўшимча туртки беради ва ШХТ мақоми халқларининг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун ҳамкорлик кун тартибининг янги мазмун билан бойитишга салмоқли ҳисса қўшади.

Шарҳ РАҚАМЛИ КРИМИНАЛИСТИКА

шахсий маълумотларни кибержиноятчилик таҳдидларидан самарали ҳимоя қилади

Қўлимиздаги ақли смартфонлар бизни сониялар ичида жаҳон ахборот олами иштирокчисига айлантирмоқда. Интернетнинг кенг имкониятлари биз учун нафақат бекиёс қулайликлар яратмоқда, балки хавф ўчоқларидан бирига ҳам айланиб бормоқда.

Бугун интернетдаги жиноятлар тури ва кўлами кенгайиб, кибержиноятлар, фибригарлик, шахсий маълумотларни ўғирлаш орқали пул маблағлари талон-тарож қилинмоқда. Кейинги пайтларда мамлакатимизда ҳам кибержиноятчиликнинг турли кўринишлари, хусусан, фуқароларнинг пластик карталаридан маблағ ечиб олиш ҳолатлари кузатилаётган. Бу эса тўлов ташкилотларига бўлган ишонсизликни келтириб чиқариши билан бирга аҳолининг Бош қонунимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқлари бузилишига ҳам сабаб бўляпти.

Кайд этилишича, биргина 2022 йилда маълумотлар ўғирланиши қорхона ва ташкилотларга ўртача 4,35 миллион доллар зарар келтирган. Ушбу йилнинг биринчи ярмида дунё бўйлаб тўлов дастурларига 236,1 миллионга яқин ҳужум содир бўлди. Таҳлиллардан кўриниб турибдики, кибержиноятлар ҳажми глобал миқёсда ошиб бормоқда. Хўш, бу борада Ўзбекистондаги вазият қандай?



техник жиҳатдан асосланган ишончли далиллар билан исботлаш жараёнини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилаётган жиноятларни ўз вақтида аниқлаш ва самарали тергов қилишда махсус рақамли усул ва воситалардан фойдаланиш, рақамли далиллар билан ишлаш техникасини ишлаб чиқиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ҳамда бу борада тизимли илмий тадқиқот базасини яратиш ҳам айтилган.

Ана шу мақсадда давлатимиз раҳбарининг жорий йил 21 июнда қабул қилинган “Рақамли криминалистика соҳасида илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилган жиноятларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, уларни аниқлаш ва тергов қилиш услубларини такомиллаштиришга қаратилган рақамли криминалистика соҳасида илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этиш борасида қатор вазифалар белгиланди.

Хужжат билан Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академиясига қўшимча вазифалар юклатилди. Хусусан, академиянинг Рақамли криминалистика илмий-услубий маркази негизда Рақамли криминалистика илмий-тадқиқот институти ташкил этилиб, мазкур муассаса ушбу йўналишда инновацион тадқиқот ва ишланмалар марказига айлантирилди.

Жумладан, рақамли криминалистика соҳасида инновацион тадқиқотлар олиб бориш, жиноят-тергов рақамли изларини қидириш, рақамли экспертиза ўтказиш, рақамли криминалистика техник воситалари ва дастурий таъминотларини

ишлаб чиқиш, криптоактивлар, “булутли” технологиялар ёрдамида содир этилган жиноятларни аниқлашнинг замонавий технологиялар жорий этиш каби йўналишлар институтининг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Хужжат асосида Хуқуқни муҳофаза қилиш академиясида прокурор, тергов, суриштирув ходимлари учун рақамли далилларни аниқлаш, сақлаш ва таҳлил қилишга оид қисқа муддатли малака ошириш курслари ташкил этилади.

Белгиланганидек, институт Ички ишлар вазирлигида юриштирилган рақамли ахборот ташувчи қурilmалар жамланмасидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, фаолиятни ўзaro мувофиқлаштириш учун “Рақамли далилларнинг ягона реестри” идораларaro автоматлаштирилган тизим, “катта ҳажми маълумотлар” (Big Data) анги экспертиза тури ишлаб чиқилди. Реестрнинг асосий вазифаси жиноятларни фoш этиш, тергов самарадорлигини ошириш, уюшган жиноий гуруҳларни тезкорлик билан аниқлаш мақсадида хуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан тушаётган, жиноят ишлари бўйича давлат сирлари билан боғлиқ бўлмаган материалларни йиғиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва таҳлил қилишдан иборат.

Умуман олганда, реестр рақамли далиллар, жумладан, фотосуратлар, видео ва аудиофайллар, электрон ҳужжатлар ҳақидаги маълумотлар, криптоактивлар ва IP-манзиллар, жиноятларнинг бошқа рақамли изларини тўплаш, қайд этиш, сақлаш ва таҳлил қилиш учун мўлжалланган. Реестрнинг жорий этилиши кибержиноятларни тергов қилиш самарадорлигини оширади ва рақамли далилларнинг ишончли сақланишини таъминлайди.

Жорий йил 1 августдан институтта рақамли криминалистика бўйича суд экспертизалари ва тадқиқотларни ўтказиш, жиноятларнинг рақамли изларини аниқлаш, олиб қўйиш, сақлаш ва тадқиқ қилиш ҳамда ўрганилган маълумотлар бўйича хулосалар тайёрлаш, рақамли криминалистика соҳасида фаолият юритувчи мутахассисларни масофавий ва анъанавий тарзда ўқитиш, шартнома асосида малакали маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб қилиш каби қатор ҳуқуқлар берилди.

Мазкур қарорнинг ўзига хос муҳим жиҳатининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилган жиноятлар, шу жумладан, криптоактивлар ва блокчейн технологиялари соҳасидаги жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш жараёнини модернизация қилишга комплекс ёндашувидадир.

Рақамли криминалистика илмий-тадқиқот институти ташкил этилиши, ўз навбатида, халқаро ҳамжамият — ушбу йўналиш бўйича етук мутахассислар эътиборини тортди. Турли мамлакатларнинг соҳа экспертлари бу ташаббусни юқори баҳолади. Қуйида уларнинг фикрлари билан танишасиз.

Иван СТРЕЛЬЦОВ,
Россия Тергов қўмитаси Криминалистика бош бошқармаси раҳбари ўринбосари:

— Рақамли криминалистика илмий-тадқиқот институти ташкил этилиши Ўзбекистон Республикаси хуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида муҳим қадам бўлди. Ахборот технологиялари жадал ривожланиши ва уларнинг ноқонуний мақсадларда ишлатилиши шароитида ушбу институт кибержиноятчиликка қарши курашининг инновацион усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этишда муҳим ўрин тутди. Сизнинг тадқиқот ва ишланмаларингиз нафақат Ўзбекистонда, балки халқаро миқёсда ҳам рақамли криминалистика ривожига катта ҳисса қўшади.

Мухиддин ҲАЖИМОВ,
Туркия Адлия академияси президенти:

— Рақамли криминалистика илмий-тадқиқот институти ташкил этилиши замонавий давр талабларига ўз вақтида берилган жавобдир. Глобал рақамлаштириш ва кибержиноятчилик ўсиши шароитида кенг кўламли қўшма тадқиқотлар ўтказиш биринчи даражада аҳамият касб этмоқда. Туркия Адлия академияси рақамли криминалистика соҳасида илмий тадқиқотлар ва тажриба алмашиш бўйича фаол ҳамкорликка тайёр эканини билдиради.

Сами РҲОХАНЕН,
ЕХХТ полиция фаолияти стратегик масалалари бўлими бошлиғи:

— Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Ўзбекистонда Рақамли криминалистика илмий-тадқиқот институти ташкил этилишини қутлайди. Ушбу ташаббус ЕХХТнинг халқаро кибержиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги устувор йўналишларига тўлиқ мос келади. Биз ушбу институти Марказий Осиёда рақамли хавфсизлик масалалари бўйича минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш учун потенциал платформа сифатида кўриб чиқамиз ва кибержиноятчиликка қарши кураш салоҳиятини ошириш бўйича қўшма дастурлар орқали ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга тайёрмиз.

Ўзбекистон Рақамли криминалистика илмий-тадқиқот институти ташкил этиш орқали яна бир бор кибержиноятчиликдан холи жамият куришига содиқлигини намойиш этди. Бу ерда инновацион технологиялар, шаффофлик ва самарадорлик хуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг тамал тоши ҳисобланади. Ушбу институт ҳар қадриятларни тўлиқ мужассам этади ва рақамли жиноятларга қарши курашда бошқа мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилади.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Юрий КАМЕНЕЦКИЙ,
Беларусь Республикаси Тергов қўмитаси малака ошириш институти директори:

— Ўзбекистоннинг рақамли криминалистика ривожига қаратилган стратегик эътибори юқори баҳога лойиқ. Ушбу соҳада ихтисослаштирилган институтининг ташкил этилиши рақамли даврда миллий хавфсизликни таъминлашга комплекс ёндашувдан далолат беради.

Ишончим комилки, институтининг илмий тадқиқотлари ва амалий ишланмалари натижалари иқтисодий, ишлаб чиқариш ва жамият ҳаётининг бошқа асосий соҳаларини кибертаҳдидлардан ҳимоялаш учун ишончли асос бўлиб хизмат қилади.

Тадорик ПРОФЕССИОНАЛ БОШҚАРУВ СЕРВИС КОМПАНИЯЛАРИ

Аҳоли уйларни бошқариш сифатидан қониқяптими?

Бугун юртимизнинг барча ҳудудларида кўпжаб замонавий уй-жойлар, Янги Ўзбекистон массивлари барпо этиляпти. Мавжуд кўп қаватли уйлар ободонлаштирилиб, инфратузилма яхшиланяпти. Бу кўп йиллар аҳолини қийнаб келган коммунал хизматлар, йўл ва шу каби бошқа оғрикли масалалар билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал этиш ва юртдошларимизга муносиб турмуш шароити яратишда муҳим омили бўлмоқда.

Бирок бу борада қатор камчиликлар ҳам йўқ эмас. Бу ҳолат, айниқса, қиш мавсумида яқоқ кўринади. Қишнинг қаҳратонидида кўп қаватли уйларнинг иситиш тизими рисоладагидек ишламаслиги, газ босими пасайиб кетиши, электр таъминотидаги узиллишлар аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Қорли-қировли кунларда носоз йўлларда юриш одамларга қийинчилик туғдиради.

Бундай муаммоларни ҳал этиш учун қиш мавсумига тайёргарлик ишларини айтишнинг иссиқ кунларидан бошлаган маъқул. Бунга совуқ, ёғинли кунларни талафотсиз ўтказишнинг муҳим мезони сифатида қаралиб, кенг қамровли ишлар бажарилаётгани ўз натижасини бермоқда. Зеро, режалар иш ҳақида муваффақиятга етаклайди. Қолаверса, қиш гамини ёзда ёйиш қадриятларимизнинг ажралмас бўлаги.

Президентимиз раислигида жорий йил 10 июни кунги энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда энергетика соҳаси объектиларининг куз-қиш мавсумида барқарор ишлашини таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида илгари сурилган долзарб масалалар бу борада жойларда қилинаётган ишларни янада жонлантиришга туртки бўлди.

Йиғилишда энергетика тармоғини ривожлантириш ва барқарор фаолиятини таъминлаш, электр ва газни тежаш, куз-қиш мавсумида аҳолини иссиқлик ва ичимлик сув билан кафолатли таъминлаш учун қозонхона, қозон ва иссиқлик тармоқларини яхшилаш, сув тармоқлари ва насосларни таъмирлашга доир вазифалар белгилаб берилди. Шу билан бирга, кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув сервис компаниялари фаолиятини янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 19 июндаги “Кўп квартиралар уй-жойларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, кўп квартиралар уй-жойларининг умумий мол-мулкни сақлаш, ундан самарали фойдаланиш ва таъмирлаш, уларга туташ ерларни ободонлаштиришнинг илгари амалга оширилишини таъминлаш мақсадида бошқарув сервис компаниялари ташкил этилиб, аҳолига хизмат кўрсатяпти.

Айни пайтда республикамиздаги 39 мингга яқин кўп қаватли уйга 800 дан ортиқ шундай кўп қаватли уйларнинг таъмирлаш, солиқ имтиёзи, арзон кредит берилгани, эски қарзлар “музлатилгани” ҳисобига ушбу тузилмалар фаолияти йилдан йилга ривожланмоқда. Масалан, бир йил олдин 133 та бошқарув компанияси оғир тоифада бўлган, ҳозир эса бундай компания қолмади. Натijaда йил бошидан 2100 та кўп қаватли уй таъмирланди, 1 миллионга яқин дархат ва гул кўчати экилди.

Бирок ҳали ҳамма жойда ҳам одамлар уйларни бошқариш сифатидан қониқяпти, деб бўлмайди. Кўпжаб бошқарув компаниялари фақат кўчаларни супуриш ва тозалаш, жорий таъмирлаш билан чекланыпти. Лекин уйлар атрофини ободонлаштириш, том, ички ва сугориш тармоқларини соз ҳолда сақлаб туриш каби асосий вазифалар эътибордан четда қолиб кетмоқда. Видеоселектор йиғилишида шу жиҳатлар таъкид остига олинди, яқинда бошқарув компаниялари хизмати учун тарифнинг энг кам миқдори белгилангани, энди бошқарув ва эксплуатация сифати ҳам шунга яраша бўлиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Бошқарув компаниялари аҳоли ва коммунал ташкилот ўртасида кўприк бўлиши кераклиги қайд этилди.

— Бошқарув сервис компаниямиз ташкил этилганига 3 йил бўлди, — дейди “ТТЗ сити коммунал” масъулияти чекланган жамияти раҳбари ўринбосари Шерзод Эркаев. — Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги бешта маҳаллада 88 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатяптимиз. Йўналишимиз бўйича яратиш берилаётган имконият ва имтиёزلардан фойдаланиб, техника паркимиз йилдан йилга яхшиланяпти. Бу йил 6 та янги транспорт харид қилдик, улардан уч жараёнида самарали фойдаланяптимиз. Яқинда бошқарув компаниялари хизмати учун тарифнинг энг кам миқдори белгиланди. Қолаверса, аҳолидан қарздорликни бартараф этиш бўйича ишлар жадаллашди. Табиийки, бу иш фаолиятимиз ривожланишига туртки бўлмоқда.

“Азамат” маҳалла фуқаролар йиғинидаги кўп қаватли уйларга мазкур бошқарув сервис компанияси хизмат кўрсатяпти. Шу кунларда кўп қаватли уйларни қишга тайёрлаш бўйича ишлар қизгин давом этапти. Шу билан бирга, аҳолидан тушган коммунал хизматлар билан боғлиқ мунозабатлар ҳам ўз вақтида ҳал этиляпти.

Маҳалла раиси Иzzат Ямановнинг айтишича, 52 та кўп қаватли уйда ва 12 та ҳовлида жами етти мингдан зиёд аҳоли истикомат қилади. Кўп қаватли уйлар учта маҳаллий қозонхона орқали иситилади. Қозонхоналар қишда узлуқсиз ишлаши учун тегишли компания мутахассислари доимий мониторинг юритмоқда. Қолаверса, маҳалла ҳудудидаги электр тармоқлари янгиланди, йўллар асфальтланди. Айни пайтда уйларнинг том қисмини ёпиш, иссиқ сув ва иссиқлик тизимларини янгилаш, уйларнинг кириш йўлакларини таъмирлаш ишлари давом этапти. Лифтларни янгилаш чоралари кўриломоқда.

Мажбурий бадалларнинг энг кам миқдори белгиланиб, қиқиндиларини олиб чиқиб кетиш хизматлари тизимлаштирилди. Мажбурий бадалдан қарздорликни электр энергияси учун тўлов тизимига интеграция қилиш ишлари бошланди.

Тизим ривожини йўлида кўрилаётган бу каби амалий чора-тадбирлар самарасида соҳада рақобат муҳити шаклланиб борапти. Бунинг ўтган йили соҳада эришилган натижа-

лар ҳам тасдиқлайди. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги матбуот хизматида йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларга оқилона ечим топилди. Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 15 августдаги “Кўп квартиралар уйларини бошқариш янада самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори яна бир муҳим қадам бўлди. Ушбу қарор билан бошқарув компанияларига қатор имтиёз ва имкониятлар берилибгина қолмай, уларнинг муаммоларига хуқуқий ечим берилди.

мавсумида 1,2 миллион туп қўчат экилади. Шунингдек, жорий йилда уйларнинг кириш йўлакларига камида 50 мингта энергия тежовчи чирок ўрнатиш орқали истеъмол ҳажмини 30 фоизгача қисқарттириш режалаштирилган.

Бошқарув сервис компанияларининг молиявий аҳволи яхшилангани ва қўшимча иш ҳажми ортиши натижасида ўтган 5 ойда 701 та янги иш ўрни яратилди. Сентябрь ойига қадар ушбу кўрсаткични мингтага етказиш белгиланган.

Буларнинг барчаси кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолининг турмуш сифатини яхшилаш, ҳудудларнинг экологик муҳити мусофоллиги, хонадонларда доимий равишда сув, электр энергияси, газ ва кундалик эҳтиёжнинг учун зарур бошқа имкониятлар бўлишини таъминлаш йўлида қилинаётган сайёҳаракатларнинг ўзига хос натижасидир. Бу ишлар янада самарали бўлиши эса ўзимизга ҳам боғлиқ. Маҳаллалар бўйлаб юрар эканмиз, бу борада ҳали муайян камчиликлар борлиги кўзга ташланади.

Масалан, ҳамма бошқарув сервис компаниялари ҳам профессионал фаолият юритяпти, деб бўлмайди. Ўзимизга боғлиқлик томонига келадиган бўлсак, тонг саҳарда ободонлаштириш ва коммунал тизимлар ишчилари обод қилиб кетган ички кўчаларда зум ўтмай қиқинди солинган пакетлар пайдо бўлади. Еки қанча меҳнат билан барпо этилган яшил йўлакчага қимдир эски буюмларни ташлаб кетади. Яна қимдир уйини таъмирлаб, қурилиш қиқиндиларини подьезд олдига чиқариб ташлайди. Албатта, ҳозирги кунда маҳаллаларда бундай муаммоларга қарши курашиш учун аҳоли орасида тарғиб-тарғиб-ташвиқ ишлари олиб бориляпти. Бу тарғиб-тарғиб-ташвиқ тўғрисида хулоса чиқариш, хайрли ишлар бардавом бўлишига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз эканини асло унутмаслигимиз лозим.

Айни пайтда жойларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик қизгин давом этапти. Бу борада ҳар бир маҳаллада ҳаққини аҳвол ўрганилиб, туманлар кесимида дастур ишлаб чиқилди. Тайёргарлик ишларига ўтган йилги 14 триллион сўмга қўшимча яна 14 триллион сўм ажратилиши белгиланди. Бу хайрли ишлар бардавомлиги хонадонларимизда йилнинг тўрт фаслида ҳам илмлик муҳити ҳукмрон бўлишини таъминлашга, ҳаётимиз янада обод ва тўқсизлигига замин яратди.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугуннинг гапи

АДОЛАТ ВА РАҚОБАТ таълим ривожининг кафолати

Шухрат СИРОЖИДДИНОВ, академик

Ёшликда олинган илм умр бўйи инсонга дўст, хамроҳ бўлади. Келажақ авлод билимли бўлса, мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга ҳолис баҳо бера олади. Тўғри хулоса чиқаради ҳамда ҳаётини ўзгартиришга қодир бўлади, жамият раванқига ҳисса қўшади.



лаштириш тизimini такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони ҳамда унда белгилаб берилган вазифалар ана шу мақсадларни амалга оширишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Фармонга кўра, 2024/2025 ўқув йили қабулдан бошлаб давлат буюртмаси параметрларини давлат олий таълим муассасалари кесимида тақсимлаш амалиёти бекор қилиниб, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кундузги таълим шаклида тасдиқлаш тартиби жорий этилади. Албатта, бундан олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари мустасно.

Таълим гранти давлат буюртмаси параметрлари доирасида олий таълим ташкилотига қабул қилинган талабаларга берилади. Жорий йилдан бошлаб бакалаврият ва магистратура қабул қилинган талабаларга таълим гранти бир ўқув йили учун ажратилади. Гранти олий ўқув юртига ажратилган давлат буюртмаси квотасига мувофиқ кириш имтиҳонларида юқори балл тўплаган биринчи курс талабалари олади. Таълим гранти табақалаштирилган тартибда молиялаштирилади ва стипендия фақат тўлиқ таълим грантини ютган талабаларга тўланади. Яъни биринчи йили грантга кирган талаба ОТМда бепул ўқийди ва стипендия олади. Кейинги ўқув йилида контрактга тушиб кетса, давлатдан стипендия олмайдди.

Иккинчи ва ундан юқори курсларда бир йиллик грант ютган талабалар ҳам шундай имтиёзга эга бўлади. Боз устига иккинчи ва кейинги йилларда грантлар университет томонидан оқуру академик рейтингига эришган ва ижтимоий фаоллик кўрсатган талабалар ўртасида табақалаштирилган тартибда қайта тақсимланади. Қолаверса, таълим гранти асосида ўқиган талабалар учун ўқишни тугатгандан кейин қамда уч йил ишлаш мажбурияти бекор қилинади.

Аниқроқ айтганда, жорий қилинаётган янги тизимда грантлар олий таълим муассасалари кесимида эмас, бўлажақ талаба, йўналиш кесимида берилиб, иқтисодга йўналтирилади. Талабага грант иқтидори учун ажратилади, у кейинги ўқув йилида ҳам грант учун курашиши керак.

Бундан ташқари, фармонга мувофиқ, 2024/2025 ўқув йилидан давлат олий ва профессионал таълим муассасаларига (қасб-ҳунар мактаби бундан мустасно) қабул қилиш бўйича



имтиҳонлар аввал тест, сўнг танлов асосида бир вақтда ўтказилади. Бунда абитуриентлар ўз танловига кўра тест синови назарда тутилган бадиан келиб чиқиб, дастлаб олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишига, сўнг профессионал таълим муассасаларига ўқишга кириш учун танловда иштирок этади. Бунда қабул жараёни икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда абитуриентлар ҳар йили 5 июндан 25 июнга қадар тест синови топшириш учун рўйхатдан ўтди ҳамда тест синови топширилгандан фанлар мажмуаси, таълим тили ва тест топшириш ҳудудини ҳамда кириш имтиҳонлари таркибида касбий (ижодий) имтиҳон бўлса, ушбу имтиҳонни топширадиган давлат олий таълим муассасасини танлайди. Бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ягона касбий (ижодий) имтиҳонлар дастурули ва баҳолаш мезонлари тегишли вазирликда (идоралар) томонидан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Ўқишга қабул қилиш бўйича кириш имтиҳонлари июль-август ойларида ўтказилади. Иккинчи босқичда абитуриентлар тест синовида олий таълим муассасаси, бакалаврият таълим йўналиши ва таълим шаклини танлайди.

члар учун муносиб иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этади. Умуман, фармонда давлат гранти ва тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилишнинг минимал ўттиш бали тегишли бакалаврият таълим йўналишининг олдинги ўқув йилидаги ўртача ўттиш балларини ҳисобга олган ҳолда Давлат комиссияси томонидан белгиланиши, магистратура мутахассисликлари ва олий таълимдан кейинги таълим ихтисосликларига қабул қилишда ҳорижий тилини билиш даражасини белгилوши миллий ёки халқаро сертификат талабларини энгиллаштирилиши ҳамда имтиёз билан давлат гранти асосида талабаларга тавсия этилган абитуриентга ушбу имтиёздан такоран фойдаланишга руҳсат этилмаслиги каби кўплаб ижобий ўзгаришлар кўзда тутилган.

Фармон олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат буюртмасини шакллантириш ва давлат гранти ажратилиш механизмининг такомиллаштириш, ёшларнинг сифатли таълим олиши учун шарт-шароитларни яхшилаш, кадрлар тайёрлашни иқтисодиётнинг ривожланаётган тармоқ ва соҳаларига манзилли йўналтирилиши мақсад қилган. Чунки ҳаёт жадал ўзгаришти, иқтисодда инновацион ва юқори технологияларга асосланган янги йўналишлар пайдо бўлди.

Юртимизда ҳорижий инвесторлар иштирокида янгидан янги соноат корхоналари

ишга тушириляпти. Демак, уларда ишлаш учун кучли технологлар, муҳандислар керак. Шу йил 6 майда Президентимиз ҳузурда олий таълим йўналишларини оптималлаштириш, қабул ва малака тизимларини такомиллаштириш бўйича таклифлар муҳокама қилинган ҳам бекизи эмас, албатта. Очигини айтганда, бугун бакалавриятда 306 та йўналиш, магистратурада 625 та мутахассислик бор. Лекин уларнинг айримлари халқаро стандартлар ва замонавий меҳнат бозори талабларига мос эмас. Бу битирувчиларда тўлиқ малака шаклланиши ва ишга жойлашишида муайян қийинчиликлар туғдирмақда. Шу бос, таълимнинг халқаро таснифи, илгор ҳорижий тажриба асосида бакалаврият ва магистратура йўналишларини қайта кўриб чиқиш ҳамда аини пайтда талаб юқори бўлган соҳаларда янги йўналишлар очиб бўйича таклифлар билдирилди. Шунинг учун олий таълимга қабул тизимини янада адолатли ўтказиш ва давлат грантларини иқтидорлиларга йўналтиришга қарор қилинди.

Шу пайтгача қабул тизими, квоталар тақсими рақобатни тўлиқ таъминламаз эди. Айрим абитуриентлар юқори балл тўпласа-да, ҳужжат топширган олийгоҳнинг квотасига қараб, ўқишга қиролмай қолаётган ҳолатлар ҳам учраб турарди. Тегишли чоралар кўрилмаса, биз бўлғуси салоҳият, талантли кадрни йўқотишимиз мумкин эди. Энди белгиланган янги тартибга кўра, муайян йўналишга ажратилган давлат гранти доирасида юқори балл тўплаган абитуриент танлаган олий таълим муассасасидан қатъи назар, давлат грантига тавсия этилади. Юқори балл олган ёшлар ўқишга қирмай қолмайди.

Таълим соҳасида малака талаблари бўйича ҳам долзарб масалалар кўп. Юртимиздаги айрим мезонлар халқаро стандартларга ва иш берувчи талабларига тўлиқ мос келмайди. Меҳнат бозорига мавжуд 8 мингга яқин ишчи касбдан 5 мингдан ортиги бўйича малака стандартлари ишлаб чиқилмаган. Борлари ҳам аниқ ва сифатли эмас. Шунингдек, малакани баҳолаш марказларига сертификатлаш йўлга қўйилмаган. Миллий малака тизимига доир жараён ва ҳужжатлар электрон платформада юритилмайдди. Шу бос, Миллий малака тизимини ривожлантириш институтини ташкил қилиб, иш берувчилар билан бирга малака талабларини тўлиқ ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Чунки бу аҳолини иш билан таъминлашга алоқадор масала.

Юртимизда муҳандислик соҳасида кадрлар тайёрлаш, ўқитиш сифатида ҳам камчиликлар мавжуддигидан кўз юмиб бўлмайди. Гап шундаки, мамлакатимизда йилга 3 мингдан зиёд соноат корхонаси ташкил этилиб, 146 минг иш ўрни яратилди. Уларда йилга 25 мингдан зиёд муҳандис ва технологлар эҳтиёж бор. Бу йўналишда 33 та давлат ОТМда кадрлар тайёрлана-да, ўқитиш сифати талаб даражасида эмас. Дунёнинг илгор ҳорижий университетларга алоқадор тўхталган айрим фан ва мутахассисликлар бизда ҳали ҳам ўқитилмоқда. Ўқув режа ва дастуруларнинг қарий ярми меҳнат бозори ва халқаро стандартларга жавоб бермайди.

Шундан келиб чиқиб, бу йўналишда таълим сифатини ошириш, 2024-2025 ўқув йилида муҳандислик, тиббиёт ва аниқ фанлар соҳаларида грант ўринларини 50 фоизгача ошириляпти. Бу келажақда мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, профессионализм ва етуқ муҳандис кадрлар тайёрлаш, олий таълим тизимида адолатни мустақамлашга хизмат қилади.

Муносабат

Садоқат СИДДИҚОВА, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори




Яқинда давлатимиз раҳбари ректорлар ва профессор-ўқитувчилар билан мулоқот қилиб, муҳандис кадрлар тайёрлаш борасидаги асосий вазифаларни белгилаб берди. Чунки муҳандислик соҳаси ҳаётимизнинг барча жабҳасига чуқур кириб, амалий саъй-ҳаракатларимиз мезонига айланиб бормоқда. Муҳандис кадрларни салоҳиятли ва ватанпарвар этиб тарбиялаш халқимиз оғирини энгил қилиш, ишлаб чиқаришга янги замонавий технологияларни жорий этиш, дунё тамаддунидаги ўрнимизни янада юксалтиришда муҳим.

би энг мураккаб турдаги операцияларни амалга оширадиган аппаратлардан кўриб, миниб юрган машинамиз, яшаётган биноларимиз, юраётган йўлларимизгача, энг мураккабдан сода инструментларгача муҳандислар меҳнати маҳсули саналади. Бугун дунёнинг энг бой одами ҳам, инсоният тафаккуридан анча илдамлаб кетаётганлар ҳам муҳандислардир.

Йўналишда техника олийгоҳларидаги йўналиш ва мутахассисликлар ишлаб чиқарувчилар талабига мос эмаслиги танқид қилинди. Бу ўринда кадрлар тайёрлашда меҳнат бозори талаб ва тақлифларини ҳисобга олиш, пухта ўзлаштириш зарурлигини қайд этмоқчимиз. Яқин ва узоқ истиқболдаги ривожланиш нуқтай назаридан бизга замон талаби, ислохотлар шиддатига мос кадрлар керак. Ушбу мақсадни рўбга чиқариш учун ОТМларда долзарб ва илгор йўналишларни жорий этишимиз заруратдир. Соҳани нафақат жонлантириш, давлатимиз таянчига айлантиришдек вазифани зиммамизга олган эканмиз, ОТМ раҳбарлари ва мутасаддилар тимисиз изланишда бўлиши, янгилликлардан узилиб

қолмаслиги, жаҳон тажрибаси билан боғлиқлик ҳосил қила олиши лозим. Бу ватанга ва халқ тараққиётига хизмат қилишнинг гўзал кўринишидир.

Бухоро муҳандислик-технология институтида ҳозир робототехника ва мехатроника йўналишида кадрлар тайёрлашга алоҳида урғу берилмоқда. Чунки робототехника аста-секин одамлар профессионал ва шахсий ҳаётининг бир қисмига айланиб улгурган даврда яшаймиз. Ушбу паллада нафақат юқори технологияларни ишлаш оладиган кадрларга эҳтиёж сезамиз, балки ушбу технологияларни яратадиган ёшларни ҳам та-



йёрлашимиз муҳим. Албатта, бунга бир ёки икки йилда эришолмаймиз. Бироқ муҳим жараёнлардан муваффақиятли оқилишимизга ишонаман. Иччиллик, тўхтовсиз ҳаракат ва стратегик йўл харитамиз бўлиши соҳа ривожининг асосий омилдир. Юқори технологияли давлатларда ҳамма жабҳа тобора автоматлаштирилмоқда. Илгари унумдорлик қўл меҳнати асосида ўлчанса, бугун

тезлик ва технология самарадорлик калитига айланмоқда. Жамоат транспортларини ҳайдовчисиз бошқариш, конотни тадқиқ қилиш, океан тубидаги нефть қувурларини таъмирлаш, шифохоналардаги жарроҳлик муолажалари, фабрикалардаги ишлаб чиқариш жараёни робототехнологиялар ёрдамида бажарилмоқда ва бу улар учун оддий ҳолга айланган.

Бухоро муҳандислик-технология институтида халқаро стандартларни жорий этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёни сифат ҳақиқатини янги босқичга кўтариш, модернизация қилиш, илгор таълим технологияларини қўллаш, юқори технологиялар ёрдамида ишлайдиган кадрлар тайёрлаш мақсадида илмий лабораториялар моддий-техник базаси мустақамланмоқда. Жумладан, жорий йилда “Машинасоз” технопарки ташкил этилди. Унда 12 та замонавий ўқув лаборатория жиҳози бўлиб, улар кўмагида 88 та лаборатория иши бажарилади. Исломо тараққиёт банки ҳисобидан 445 минг доллар ажратилган. Шунингдек, 80 минг долларлик “Метрология” илмий-инновацион лабораторияси ташкил этилиб, 25 та замонавий лаборатория қурилмалари билан таъминланди. Бундан ташқари, 171 минг долларлик 17 та замонавий ўқув-лаборатория жиҳозидан иборат “Исчилик техникаси. Термодинамика” ўқув ва илмий лабораторияси ташкил этилди. Ушбу лаборатория хонасидаги 17 та замонавий ўқув-лаборатория хонасида 138 та лаборатория иши бажариш имкони мавжуд. Жорий йилда ишлаб чиқаришда 9,75 миллиард сўмлик ҳўжалик шартномаси бажарилди.

Шунингдек, илмий инновацияларни ишлаб чиқаришнинг жорий этиш, бу борада илмий лойиҳаларни буюртма билан таъминлаш бўйича маҳаллий ҳокимлик томонидан ердан кўрсатилиши белгилаб берилди. Бу, ўз навбатида, олимларнинг янги ҳамкорлик лойиҳаларини яратиш ва соноатнинг барча соҳасига жорий этишни таъминлайди. Институт олимлари илмий ишланма ва янги маҳсулотлар яратишда иқлимга хос ва тупроғимизга чидамли технологиялар яратилаётганга қўри бераётди. Хусусан, 2023-2024 ўқув йилида профессор-ўқитувчи ва илмий ҳодимлар томилаб сўғориш, Бухоро вилоятида геотермал энергиядан фойдаланишни йўлга қўйиш, озик-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш технологияларини ишлаб чиқди. Шунингдек, деталлар таркибини аниқлаш, ипақ қичқиларида косметик ва антибактериал маҳсулотлар олиш, Фелтинг техникаси ёрдамида барқарор шаклдаги кийимлар тайёрлаш, маҳаллий ҳомашё ва соноат қичқилари асосида махсус пойабзал полимер тагликлари яратиш ва бириктириш, электр тармоғида ноқонуний уланнишни аниқлаш технологияси яратилди. Ушбу технологиялар қишлоқ ҳўжалиги ва соноатда долзарблиги жиҳатидан катта аҳамиятга эга янги лойиҳалардир.

Йўналишда берилган топшириқларга биноан олий муҳандислик мактаби ташкил этиш бўйича тайёрлик ишлари бажарилмоқда. Бундан ташқари, танқидий-тахлилий руҳда ўтказилган йўналишда Бухоро муҳандислик-технология институти Соорепорт.уз махсус савдо платформасида хизмат кўрсатгани таъкидланди. Жорий йилда институтнинг 2 та кафедраси 28 та хизмат кўрсатиш бўйича 4,5 миллиард сўм даромад олган. Йил охиригача барча кафедрада электрон кооперация порталида 10 миллиард сўмликдан зиёд шартнома тузилиши режа қилинган.

Таълим тизимидаги ислохот ва ташаббуслар, айниқса, ёшлар учун яратилаётган имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда, ушбу йўналишдан сўнг олимизга катта марралар белгилаб олдик. Янги Ўзбекистонни барпо этишда ватанпарварлиги, илми, иқтидори, салоҳияти ҳамда ташаббускорлиги билан тенгдошлари орасида шахсий намуна кўрсатадиган етакчи ёшларни тарбиялашга бор куч-ғайратимизни сафарбар қиланмиз, албатта. Улуғлар айтади, асл куч сўздан кейинги амалий ишларда бўй кўрсатади.



ЭНГ КИЧИК ЭЪТИБОРСИЗЛИК ҲАМ ТАНАЗЗУЛ ДОЯСИДИР

Огоҳлик қўнғироғи

Шахло АҲРОРОВА, Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти ходими, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори



Энг катта офатлар кичик белгилардан, энг катта талафотлар кичик йўқотишлардан, энг катта фалокатлар ҳам кичик эътиборсизликдан, лоқайдликдан бошланади. Шу ўринда бир табиий офатнинг яширин белгиларига эътибор қаратсак. Ява аҳолиси 1919 йили ёнгинасидаги вулқон ухлаётгани сабабли одатдагидек тинч яшарди. Аслида, вулқон ости қайнаётган эди.

Лекин одамлар вулқон уйғонишига ишонмади, бепарволик қилди. Худди биз фарзандларимизни ижтимоий тармоқлар ҳукмига эътиборсиз ташлаб, санъаткорлару давлаткорларга хоҳлаган гапни гапириб, хоҳлаган кўрсатувини тайёрлашга руҳсат бериб қўйганимиздек.

Чунки вулқон кратеридан ҳар галгидек тўтун чиқмаётгани ва кул ҳам отилмаётгани. Худди ҳозир ҳам бизга ҳеч ким ошқора "Биз фарзандларингиз онгу шуурига ҳужум қилмоқчимиз", дея ўз мақсадини айтмаганидек.

Беғамлиги Ява аҳолисига қимматга тушди. Унда белги ҳисобланган тўтун ва кул чиқишига вулқон устида тўпланган катта ҳажмдаги сув йўл бермаган эди. Бу эса кратер оғзида буг қозонини пайдо қилган ва катта

босим келтириб чиқарган. Сув қизиб, жуда кучли порлашга олиб келган. Бугун бизнинг вулканимиз янада кучли порлаши учун "демократик қарашлар", "оммавий маданият", "тарбиядаги қаттиққўллик — зўравонлик" ниқоби остидаги қарашлар кратер устидаги сувни қайнатмапти деб ким қалолга бера олади?

Ушандаги эътиборсизлик оролда яшаётган аҳолидан нари борса беш минггача ҳалок қилгандир. Бироқ мафкура вулқонни худуд танамади, янада кенг қанот ёйиши ва бутун ёшлар оммасини, элат, миллатларини ҳалокатга олиб бориши мумкин! Бу Явадаги вулқондан юз, эҳтимол, минг баробар хавфли эканини яхши биламиз, бироқ "Бу арзиманган гап-ку", дея эътиборсизлик қиламиз.

Болагимизни бир эслайлик. Мабодо мушук сичқонни еб қўйганини кўрсак, қаттиқ сесканардик. Бировнинг жонлиққа тиг ботириши у ёқда турсин, игна санчишини кўрсак ҳам беихтиёр кўзимизни чирт юмиб олардик. Бу ҳолат ваҳшийликдай ҳайқитирирди.

Бугун эса кичик ёшдаги болалар кўраётган мультфильм ва ўйинларга бир назар солинг. Болаларни "овутиш" учун қўлга бериб қўйилган телефон кўрсатаётган томошалар одамни жиддий уйлантиради: кимдир юзига буюқ суртиб, маймунга ўхшаб қийишанлайди ва кулдиришга ҳаракат қилади. Биттаси ҳам-ма нарса ниқиб, синдириб, тўполон қилишни тарғиб этади. Яна бири эса қорнига санчқи санчиб кўрсатади! (Айбатта, бу компьютер ёрдамида ясалган). Қайсинигдир бурни қонайди, кўзидан қон оқади, яна бири чақалоқ кўгирчоққа игна санчади ва ҳоказо.

Қисқаси, кичик ёшдаги болалар кўраётган мультфильм ва ўйинларнинг ҳаммаси шафқатсизлигини синдиради: бирда ёш болага игна санчилади, бирида баданга санчқи. Ёки "уруш" ўйнаб, одамларни "ўлдиришади", қанча кўп қурбон бўлса, шунча қувоншади. Бу ўйинлар нафақат болаларнинг дийдасини қотиради, балки энди шаклланиб келаётган тафаккур майдонига агрессив руҳдаги

мафкуравий таъсирни олиб киради. Мафкуравий таъсир эса мафкуравий тарбиянинг асосий қуроли.

Мафкуравий таъсир кўрсатиш мақсади муайян одам, жамоа, миллат, ижтимоий гуруҳ ёки халқлар дунёқарашини тегишли ғоя-

бировнинг саломатлигига, ҳатто умрига ҳеч иккиланмай даҳл қила олиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб қўйганимизми?

Ота-болаларимиз бундай ҳолатни дийдаси қотиш, деб айтарди. Қондан дийдаси қотган одам қондан сесканмас эмиш. Калтақдан



ларни синдириш орқали шакллантириш ёки ўзгартириш, сўнг мана шу ғоялар асосида уларни бирор бир фаолиятга йўналтиришди.

Демак, буларнинг ҳаммаси болани қондан кўрмасликка, иккиланмай, бошқа бировга, ҳатто ўзига жароҳат етказишга, бошқаларга қулоқ солмасдан, кўнглига келган ишни қилишга даъват этмоқда. Ана шу ғоя болаларга хос тарзда синдирилмоқда. Сезилмаси, вайронкорлик, жангарилик ғояси энди шаклланиб келаётган, ҳатто ҳали сут ичаётган гўдак миёсига қўйилмоқда! Болаликдан бундай ғоялар билан "суғорилган"лар улғайгач,

дийдаси қотган одамга калтак таъсир қилмас экан. Энди дийдаси қотганларнинг бир гуруҳ бўлиб тўпланишини тасаввур қилинг. Бугун ваҳшийлик ҳуррезликини кийриқ қоқмай амалга ошираётган тўдалар, бириккан кучлар, аслида, ана шу дийдаси қотиш орқали шаклланиб бормоқда!

Ўтган йили мамлакатимизда воёга етмаганлар ўртасида 3,5 мингта жиноят содир этилган ва бу кўрсаткич аввалги йилга нисбатан 15,6 фоиз ошган. Шундан 74 таси баданга қасдан оғир шикаст етказиш, 12 таси қасдан одам ўлдириш ва 10 таси одам ўлдиришга

Инсон қадри учун

ҚИРҚ ЙИЛДАН СЎНГ ЯНА НУРЛИ МАСКАНГА АЙЛАНДИ



Зарабоғ қишлоғида тонг ўзгача отади. Хўроз қичқиради. Сойдан, қирдан унга бошқа хўрозлар жўр бўлади. Куннинг таги ёришади. Эркаклар қўёш қиздирмасдан юмушларни бажариб олишга уринади. Аёллар сигир соғади. Қиз-жувонлар ховлига сув сепади, супуришга тушади. Қуёшнинг заррин нурлари аввал бошлаб Кўхитантоғнинг кун чиқши бетини ёритади, қояликка қизариб-қизариб тушади.

Шаҳарга қатновчи қишлоқ автобуси ҳар кунгидек Абдукарим Қурбоннинг эшиги ёнида тўхтаб, сигнал чалади. Ҳовлидаги сўнда кутиб турган Абдукарим ака сумкасини елкасига осиб, ҳассасини дўққиллатганча эшикдан чиқади.

Автобус эшигига яқин омонатгина тик турган йигитлар лип этиб тушиб, қўлтиги остига кириб, уни автобус ичкарасига олишади ва ака ўзининг доимий ўриндигига жойлашади.

"Шухрат" медали соҳиби Абдукарим Қурбоннинг ҳар кунги ҳаёт тарзи шу тахлит бошланади. У узоқ йиллардан бери Сурхондарё вилояти кўзи оғизлар кутубхонасининг Шеробод тумани филиали мудири.

1982 йилда тасодифан кўзи оғиз бўлиб қолгач, 40 йилга яқин шу соҳада фидойилик билан ишлади.

2019 йилда эса Абдукарим Қурбон Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш, миллий ғояни ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси, самарали

хизматлари, ёш авлодни она юртга муваббат ва садоқат руҳида соғлом, баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун "Шухрат" медали билан тақдирланди.

Олтимишдан ўтганидан сўнг давлатдан олган бу эътифони уни янада ёшартди. Иш-лашга ундади. Тугма ёки кейинчалик кўзи оғиз бўлиб қолган кишиларга ҳаёт зулматдан иборат эмаслигини, унинг муаттар эканини тўшунтиришдан ва ёруғ йўлларга бошлашдан чарчамайдиган бўлди.

Туманда Абдукарим Қурбонни яхши танишади. Унинг доимий равишда ҳар кунги тоғ қишлоғига қатновчи автобуснинг олд қаторида ўтирган кўйи ҳайдовчи билан гурун бериб келиб-кетгани учун таниганлар ҳам сон мингтадир, унинг шoirлиги, ширали овози борлигини ҳам яхши билишади.

Сурхондарё вилояти кўзи оғизлар кутубхонасининг Шеробод тумани филиали эшиги ёнига тўхтаб ўтган автобусдан тушган Абдукарим ақани кутубхона мутахассиси Умида Чориева кутиб олади.

Хонасига киргунича унга қўллаб кишиларнинг салом берганини эшитишди, дилига хушнудлик йнади.

Демак, кўзи оғизлар, айниқса, ёшлар китоб ўқияпти. Демак, уларнинг ёруғ мақсадлари бор! Давлатнинг бераётган эътибори ордан мақсадларни юқори олган. Улар зулматда қолмоқчи эмас, ёруғ манзилларни кўзлаётир.

— Сурхондарё вилоятида дастлабки кўзи оғизлар кутубхонаси Термизда 1981 йилда фаолиятини бошлаган, — дейди Абдукарим Қурбон. — Кейинги йили Шерободда ҳам филиали очилди. Уша йиллар ёруғ оламни кўриб турган одам бирдан кўрмачи қолиши даҳшатнинг ўзгинаси. Кутубхона қалбларга чироқ, ёруғлик берадиган жой. Шу сабаб унда иш бошлаб, мудири лавозимига тайинландим. Шу қўйи умримни унга бағишладим. Бугунги кунда мамлакатимизда юздан орттиқ махсус кутубхона бўлса, шундан 15 таси Сурхон воҳасида жойлашган.

Кейинги йилларда кўзи оғиз ва заиф кўрувчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш,

уларнинг мутолааси учун қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида эътиборга молик ишлар амалга оширилатганини биргина шу ва кейинчалик туманларда ташкил этилган бошқа кутубхоналар фаолиятида ҳам кузатиш мумкин.

— Президентимиз 2023 йил 13 март кунни Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида вилоят кўзи оғизлар махсус кутубхонасига янги бино бунёд этиш таклифини айтганди. Шунингдек, лойиҳани амалга ошириш борасида масъулларга зарур кўрсатмалар берилган ҳамда маблағ ажратилганди, — дейди Сурхондарё вилояти кўзи оғизлар кутубхонаси раҳбари Хусан Исломуқов. — 2023 йил баҳоридан эса кутубхона учун янги замонавий бино қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Кенг қўламли ишлар бошланди.

2023 йилнинг иккинчи чорағида мустақиллигимизнинг 32 йиллиги арафасида 5,2 миллиард сўмлик лойиҳа доирасида замонавий, кўзи оғизлар учун барча қўлайликларга

эга бино қуриб битказилди. Термиз шаҳридаги мазкур эиё маскани бугун китобхонларнинг сеvimли манзилларидан бирига айланган.

Сурхондарё вилояти кўзи оғизлар кутубхонасига маҳаллий бюджетдан ҳам 200 миллион сўм ажратилиб, брайл алифбосидаги, замон талабларига мос китоблар, аудиокино китобларга умуман мослаштирилмаган эди. Бу оғир шaroит нафақат кўзи оғиз китобхонларимизга, балки биз каби ходимларга ҳам қатор қийинчиликлар юзага келтирарди, — дейди Сурхондарё вилояти кўзи оғизлар кутубхонаси ходими Юлдуз Бойхонова. — Инсонни қадрлаш давлатимизнинг чиндан ҳам устувор вазифаси эканини биргина ушбу кутубхонанинг замонавий қиёфада бунёд этилгани мисолда кўриш мумкин. Ижтимоийликдан унумли фойдаланаётган жамоа турли тўғарақлар ташкил этмоқда. Китобхонларнинг бундай вақтларини мазмунли ўтказишда ва каби тўғарақлар фаолиятининг ўрни беқиёс.

Кутубхона аъзолари Зиеда Чориева ва Дилфуза Чоршанбиеваннинг яқин дўсти китоблар. Улар ёруғ оламни, табиат ранг-баранглигини ва дунё ажойиботларини брайл ёзувидаги



уриниш ҳолатидир. Булар болаларнинг дийдаси қотганини исботламайдими? Бу болалар катта эмас, бор-йўғи 13-17 ёш орасида. Умумий жиноятчиларнинг 2280 нафари мактаб ўқувчилари, 315 нафари қизлардан иборатлиги қанчалар оғриқли!

Энди ахлоққа хуружларга эътибор қаратайлик. Ота-болаларимиз бунга "юздаги парда" деб атаган. Кўрсаткич бармоқ билан уят ишораси кўрсатилганда юздаги пардага ишора қилинади. Ҳар не бўлса ҳам мана шу кўринмас пардани асрагин, уни ечма, дейдилар.

Миллатнинг ана шундай ўзига хос пардаси бўлади. Шундан миллатнинг миллий ахлоқ деган пардаси яралади. Бугун четдан кириб келаётган турли ахборот, тарбия усуллари, замонавий "маданият" кўринишлари, санъат ва адабиётнинг "дугарайлашган" маҳсулотлари айнан миллий пардага тирногини ботиришмоқда. Бугунги кўрсатувлар, ток-шоу, сериал ва фильмларимиз, томошабин талашиб, медиабозорга олиб чиқадиган маҳсулотларимиз ҳам бугунги мафкуравий хуружлардан ҳимояланмаган.

Вулқон тўтунини тўсиб турган кратер оғзидаги сув каби бу маҳсулотларнинг ғоявий таъминини гоҳида ишлаб чиқарувчиларнинг ўзи ҳам сезмаётгандай, назаримда. Улар орасида энг эътиборсиз ҳисобланганига диққатингизни қаратмоқчимиз. Катта ахлоқсизликлар олдидан бу арзимас ҳолат. Лекин оналаримиз бармоғини юзига суртиб, "уйат", дейди. Бу — ётоқхоналарнинг ошқора кўрсатилиши.

Ҳа, айнан фарзандларнинг ота-она ётоқхонасига, шунингдек, ота-оналарнинг уйланган фарзандлари ётоғига ҳатто кундузи ҳам кириши уят саналади. Бугунги кўрсатувларда эр-хотиннинг суҳбатини айнан ётоқда суратга олиб кўрсатишади. Қайноналар ўғли ва келинининг ётоғига бостириб қиради. Нега? Чунки чет эл фильмларида шундай — барча воқеа, ўзаро суҳбатлар ётоқхонада кечади.

Бу эр-хотин муносабатлари мулқоқ парда ортида бўлиши лозим, деган қадимий қадриятларимизга зид ҳолат. Табиийки, воёга этиб келаётган, айниқса, ўсмир ёшдаги болаларнинг ахлоқий қадриятига путур етказиши. 2023 йили 34 минг 400 нихоё кўзи оғиз қилинган мана шу ахлоқий пардалар кўтарилигани омиллардан бири бўлиб қолмаётганими?!

Бундай арзимас кўринган ҳолатлар қалашиб ётибди ва эътиборимиздан мулқоқ четда қолмоқда. Бугунги мафкуравий, ғоявий курашлар даврида арзимас таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар бир жиҳат эътиборимиз марказида бўлиши лозим! Мафкуравий урушлар майдонига жангга жанговар тайёр-қарилган ўтган ҳам, ўтмаган ҳам қиради. Бу майдондаги қалқон эса маърифат, билмок, англомок, тушунмоқдир! Миллий қалқон — қадриятларимизга отилаётган ўқни фаҳмламок! Миллий ахлоқимиз пардасини тирнаётган тирноқларни пайқамок, миллий ўзгичмас оstonасида паналаб турган пистирмадагиларни кўра билмоқдир!

Бундай хуружлар фақат четдан эмас, ўзимиз "замонавийлик", деб эътиборсизлик қилаётганимиз туғайли ичимизда содир бўлаётгани афсусланарлиқдир.

Огоҳ бўлайлик!

китоблар орқали анланган. Ижтимоий чекланган бўлса-да, Зиеда ва Дилфуза келажакда ўқитувчи бўлишни, китоблар ёзишни ният қилган. Кўзи оғиз, аммо қалби ёруғ бу инсонлар дугона сифатида бир-бирини айнан шу кутубхонада топди.

Сурхондарё вилояти кўзи оғизлар махсус кутубхонаси "Йилнинг энг яхши аҳолига хизмат кўрсатган кутубхонаси" номинацияси бўйича "Янги Ўзбекистон юлдузлари" миллий мукофотини қўлга киритди.

Мазкур кутубхона нафақат кўзи оғизлар, заиф кўрувчилар, балки аҳолининг кенг қатламига хизмат кўрсатиш билан чегараланиб қолмай, шаҳар ва туманлардаги кўзи оғизлар кутубхоналари учун ҳам методик ёрдам кўрсатиш маркази ҳисобланади. Уларга зарур услубий ва амалий ёрдамлар кўрсатилади. Вилоят кутубхонаси ва унинг туман бўлимларини махсус аудиокинобоз билан таъминлаш мақсадида замонавий овоз ёзиш студиясидан ташқари янги китоб ўқиш ускуналари ҳам мавжуд.

— Нафақат вилоят марказидаги асосий кутубхона, балки туманлардаги бўлимларининг ҳам махсус фондун кун сайин бойиб бормоқда. Кўзи оғизлар кутубхоналари ходимларининг билим ва касбий малакасини оширишга қаратилган семинар-тренинг, ўқув машғулотлари мунтазам ўтказиб келинади, — дейди Сурхондарё вилояти кўзи оғизлар махсус кутубхонаси Шеробод тумани филиали раҳбари Абдукарим Қурбон. — Бугунги кунда замонавий кутубхона нафақат кўзи оғизлар жамятини аъзолари, балки нурионийлар ва кенг жамоатчилик вакиллари, талаба ёшлар, ўқувчилар учун ҳам хизмат қилапти.

Халқимиз азалдан китобга нур, кутубхонага эса нурхона, дея нисбат берган. Кўриш бўйича ногиронлиги бор китобхонлар учун эса бу ҳикматнинг юки чиндан-да анча юқори. Китоб ва кутубхона эса уларнинг ҳаёт йўлларини ёритувчи чинакам маёқ вазифасини ўтаётир.

Сарвар Тўраев, "Янги Ўзбекистон" мухбири



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКур QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти ДМ
Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир:
Салим Дониёров

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Колограк" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 2259
43368 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.
"Колограк" МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манлиси: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар қўчаси, 1-А уй.
Босмаҳона телефони: (788) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов
Мусахҳис: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев
Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй
ЎЗА яқуни — 21:20 Топширилди — 00:15